



**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги**

**ОВ ВА БАЛИҚ ОВЛАШ ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ-2024**



ОВ ВА БАЛИҚ ОВЛАШ ҚОИДАЛАРИ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
ОВ ҚИЛИШ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ҲАРАКАТЛАР .....	4
Ов қилиш ҳудудида тақиқланувчи ҳаракатлар .....	4
ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИ ТУТИШГА ДОИР КВОТА .....	6
Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни белгилаш асослари .....	6
Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни тасдиқлаш .....	6
Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни тақсимлаш .....	6
Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўланадиган ҳақ .....	7
ОВЧИ ВА ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	7
Ов қилиш турлари .....	10
Ов қилиш қуроллари .....	11
Ёввойи ҳайвонларни тутишда тақиқланган усуллар .....	12
Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш) тартиби .....	13
Чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш тартиби .....	13
Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) .....	13
Овчилик гувоҳномасини бериш тартиби .....	13
Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани бериш тартиби .....	14
Сунъий ўстирилган ҳайвонларни овлаш .....	14
Ов қилиш тақиқланган жойлар .....	15
Иловалар .....	16
Атама ва тушунчалар изоҳи .....	24

## КИРИШ

Ов ва балиқ овлаш қоидалари бўйича услубий қўлланма (*кейинги ўринларда – Қўлланма*) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги (*кейинги ўринларда – Экология вазирлиги деб аталади*) билан биргаликда ишлаб чиқилган.

Қўлланма ов ва балиқ овлаш қоидалар бўйича **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида** ишлаб чиқилди.

Қўлланмада ов қилишда риоя этилиши лозим бўлган қоидалар, овчи ҳамда овчилик хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ов қуроллари ва усулларига доир талаблар, тўлов миқдорлари ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланма янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## ОВ ҚИЛИШ ВА УНГА ТЕНГЛАШТИРИЛГАН ҲАРАКАТЛАР

**Ов қилиш** – табиий эркинлик ҳолатида яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш).

### Қуйидагилар ов қилишга тенглаштирилади:

ғилофи ечиб қўйилган ҳолатдаги (йиғилган тарздаги) ов қуроли ва ов қуролларининг бошқа турлари ёки ов маҳсулоти билан ов қилиш жойлари ҳудудида бўлиш;

шахсларнинг ғилофи ечиб қўйилган ҳолатдаги (йиғилган тарздаги) ов қуроли билан, ов маҳсулотининг қўлга киритилганлиги қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз (овчилик гувоҳномасисиз, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномасиз, овчилик йўлланмасисиз (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасисиз) умумий фойдаланишдаги йўлларда бўлиши.

### Ов қилиш ҳудудида тақиқланувчи ҳаракатлар

Ов қилиш жойларида қуйидагилар **тақиқланади**:

- ✓ қишлоқ хўжалиги, мелиоратив, ўрмон хўжалиги ишларини ва бошқа ишларни ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган усулларда амалга ошириш;
- ✓ ўзбошимчалик билан ёввойи қушларнинг тухумларини йиғиш, уяларини вайрон қилиш, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ва бошқа уяларини бузиш, бундан ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ ҳоллар мустасно;
- ✓ қишлоқ хўжалиги ерларида ҳамда бошқа тоифадаги ерларда қуриган дов-дарахтларни ва уларнинг қолдиқларини илдизи билан ёқиш;
- ✓ ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларида, шунингдек уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган жойларда дов-дарахтларни йўқ қилиб юбориш, қиёқ, қамиш ва ёввойи ҳолда ўсувчи бошқа ўсимликларнинг чакалакзорларини ёқиш.

## Ов қилиш жойларига кирмайдиган ҳудудлар

	аҳоли пунктларининг ерлари	
	шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар	соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар
	муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса	
	корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналар	
	аэродромлар	сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари
	темир йўлларнинг ҳимоя зоналари	
	ҳосил йиғиштириб олингунига қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	чегара олди минтақаси
	тўфонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу объектларни муҳофаза қилиш режимида ов қилишга доир тақиқ назарда тутилган бўлса	

## ЁВВОЙИ ҲАЙВОНЛАРНИ ТУТИШГА ДОИР КВОТА

### Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни белгилаш асослари

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир ҳар йилги квота ёввойи ҳайвонларнинг **кўп миқдорда тutilадиган турларига**, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг **камёб ва оз сонли турларига** нисбатан белгиланади. Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота ёввойи ҳайвонлар сонини ҳисобга олиш ҳамда тutilадиган ёввойи ҳайвонларни ҳисобга олиш маълумотлари асосида белгиланади.

**Унутманг!**

*Ёввойи ҳайвонларнинг кўп бўлмаган миқдорда тutilадиган оммавий турларига нисбатан квоталар белгиланмайди.*

### Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни тасдиқлаш

Келгуси йил учун ёввойи ҳайвонларни тутишга доир талабномалар жисмоний ва юридик шахслар томонидан жорий йилнинг 1-15 ноябрь кунлари (қўшимча квота учун 1-15 апрель кунлари) Экология вазирлигига топширилади

Экология вазирлиги 10 декабрга қадар (қўшимча квота учун 10 майга қадар) бўлган муддатда Фанлар академиясининг хулосаси асосида квоталарни тасдиқлайди, бу тўғрисида қарор қабул қилади

Экология вазирлиги ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳасини талабномалар асосида тайёрлайди ва 25 ноябрга қадар (қўшимча квота учун 25 апрелга қадар) Фанлар академиясига юборади

Фанлар академияси ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квота лойиҳаси бўйича хулосани 5 декабрга қадар (қўшимча квота учун 5 майга қадар) Экология вазирлигига тақдим этади

### Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир квоталарни тақсимлаш

✓ Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ экология ҳудудий органлари **20 декабрга қадар** (қўшимча квота учун 20 майга қадар) квоталарни берилган талабномаларга мувофиқ **тақсимлайди** ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланишга доир **рухсатномаларни** беради.



✓ Ҳар йилги квота ҳамда қўшимча квота Экология вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

### Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўланадиган ҳақ

✓ Ёввойи ҳайвонларни ов қилиш **ҳақ тўлаш асосида** амалга оширилади. Тўловлар рухсатномада кўрсатилган **ҳар бир ёввойи ҳайвон учун** киритилади.

✓ Ёввойи ҳайвонларнинг тутиш нормалари белгиланмаган турлари, овда бўлиш кунларининг сонидан қатъи назар, тўловга мувофиқ миқдорда тутилади.



Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун **тўлов миқдорлари** 1-иловада берилган.

### ОВЧИ ВА ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### Овчининг ҳуқуқлари



Овчи

- ёввойи ҳайвонларнинг рухсат этилган турларини белгиланган жойлар ва муддатларда ов қилиш;
- қўлга киритилган ов маҳсулотини ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш;
- ов қилиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг мансабдор шахсларидан ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилишини талаб қилиш.

**Унутманг!**

*Овчилик хўжалигининг қўриқлаш ходими ўз лавозим мажбуриятларини бажараётганда овчи ҳисобланмайди.*

#### Овчининг мажбуриятлари

→ овчилик хўжалигининг ва ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуднинг чегараларини аниқ билиш

→ ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуддан ташқарида ов қилмаслик

→ ёввойи ҳайвонларни тутиш нормаларига ва ов қилиш муддатларига риоя этиш, ов қилишни ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада

кўрсатилган жойларда амалга ошириш

→ ов қилишни бошлаш олдидан овчилик йўлланмасида (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасида) ов қилиш бошланган сана тўғрисидаги устунни тўлдириш

→ ов қилиш тугагач, овчилик хўжалигидан ёки ов қилиш жойларидан чиқиб кетишдан олдин ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада тутилган ёввойи ҳайвонлар ҳақида белгилар қўйиш

→ ов қилиш тугагач, овчилик йўлланмасини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасини) ов натижалари тўғрисида белги қўйилган ҳолда, 10 кундан кечиктирмай қайтариш

→ ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш

→ маиший чиқиндиларни тўхташ жойидан йиғиштириб олиш ва маиший чиқиндиларни тўплаш жойларига олиб чиқиш

→ тегишли давлат назоратини амалга оширувчи органлар мансабдор шахсларининг талабига биноан тушунтиришлар бериш, ашёларни, ов қуролини ва транспорт воситаларини, қўлга киритилган ов маҳсулотини, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни, овчилик гувоҳномасини, ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномани, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани, овчилик йўлланмасини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасини) кўздан кечириш учун тақдим этиш

→ ҳалқалари, микрочиплари, ёрлиқчалари, тамғалари бўлган ёввойи ҳайвонлар тутилганда ҳудудда ов қилиш амалга оширилган овчилик хўжалигига ёки экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органига улар тўғрисида ахборот тақдим этиш

→ лавҳалар, эълонлар, охурлар, ёйиб қўйилган қўшимча озуқалар, сунъий уяларга ва бошқа биотехник қурилмаларга шикаст етказмаслиги, шунингдек ушбу Қонун 9-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни содир этмаслик

→ ов қилишнинг хавфсизлик қоидаларини билиш ва уларга риоя этиш

### Овчилик хўжалигининг ҳуқуқлари

1.	жисмоний шахсларга ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар доирасида овчилик йўлланмаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) бериш
2.	юридик ва жисмоний шахслар билан ёввойи ҳайвонларни тутишга доир олинган квоталар доирасида ёввойи ҳайвонларни тутиш учун шартномалар тузиш


3.	ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномага мувофиқ ов қилишни амалга оширишда қўлга киритилган ов маҳсулотини қайта ишлаш
4.	ов маҳсулотини тутишнинг ёки қўлга киритишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, маҳсулотга доир сифат сертификати мавжуд бўлган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан махсус ажратилган жойларда ов маҳсулотини реализация қилиш
5.	ёввойи ҳайвонларни табиатга мослаштириш ёки улардан бошқа мақсадда фойдаланиш учун кўпайтириш
6.	фермаларда, питомникларда, инкубаторларда, ҳовуз хўжаликларид ва бошқа хўжаликларда сақланаётган ҳамда етиштирилган ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш
7.	ғайриқонуний ов қилишга (браконьерликка) қарши курашиш бўйича тадбирларда иштирок этиш, шу жумладан ов қилиш, атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар билан биргаликда иштирок этиш
8.	ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчиларга нисбатан далолатномалар тузиш, уларни экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига топшириш
9.	экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига ов қилишни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек овчилик хўжаликларини юритиш масалалари юзасидан таклифлар тақдим этиш

### **Овчилик хўжалиklarининг мажбуриятлари**

<ul style="list-style-type: none"> <li>• ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш</li> <li>• ёввойи ҳайвонларни ва ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш</li> <li>• ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича биотехник тадбирлар ўтказиш</li> <li>• ёввойи ҳайвонлар сонининг ҳисобини юритиш</li> <li>• тутиладиган ёввойи ҳайвонларнинг ҳисобини юритиш</li> <li>• ёввойи ҳайвонларнинг такрор</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ов қилиш устидан назоратни амалга ошириши — овчиларда зарур ҳужжатлар мавжудлигини ва бошқа талабларга риоя этилишини текшириш</li> <li>• овчилик йўлланмалари бланкаларини (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкаларини) ҳисобга олиш, сақлаш, тўлдириш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этиш</li> <li>• ҳар йили экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органларига овчилик хўжалигини юритиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш</li> </ul>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

<p>кўпайтирилишини таъминлаш</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш бўйича ёввойи ҳайвонлар айрим турларининг сонини уларнинг яшаш жойлари доирасида сақлаб туришга, кўпайтиришга ёки камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиш</li> <li>• овчилик хўжалиги ҳудудида чегара устунлари, эълонлар ва кўрсаткичлар, овчилик хўжалиги тўғрисидаги тўлиқ ахборотни ўз ичига олган харита-схема ўрнатилишини таъминлаш</li> <li>• ўз зиммасига олинган шартнома мажбуриятларини бажариш</li> <li>• ёввойи ҳайвонларнинг эгасиз таналарини, уларнинг қисмларини ва ички аъзолари кўмилишини ташкил этиши, овчиларни бундай чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг белгиланган тартиби тўғрисида хабардор қилиш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• овчилик хўжалигини юритиш жараёнида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш</li> <li>• ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан чатиштиришга, кўчиришга ёки иқлимга мослаштиришга йўл қўймаслик</li> <li>• овчилик хўжаликларида итларнинг тумшукбоғларсиз, боғловсиз ёки ўралган майдончадан ташқарида сақланишига йўл қўймаслик, бундан итлар билан ов қилиш ёки итларни овга ўргатиш мустасно;</li> <li>• экология органлари мансабдор шахсларини ов қилиш жойларининг, ёввойи ҳайвонлар ҳамда қайта ишланган ов маҳсулоти сақланадиган, реализация қилинадиган объектларнинг ҳолатини ўрганиш учун монеликсиз киритиш</li> <li>• ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этиш</li> </ul>
------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

### Ов қилиш турлари



## Ов қилиш қуроллари

✓ Овда ов қуролидан, овчи зотига мансуб итлардан, бошқа овга ўргатилган ҳайвонлар ва қушлардан (овчилик гувоҳномасида тегишли қайд мавжуд бўлган тақдирда), ёввойи ҳайвонларни тирик ҳолда тутиб олиш учун тўрлар ва тузоқлардан (ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада тегишли белги мавжуд бўлган тақдирда), миноралардан фойдаланиш мумкин.


✓ Ёввойи ҳайвонларни тутишда қуйидаги ов қуролларидан фойдаланиш **тақиқланади:**

- ☒ ўзиотар қуроллардан;
- ☒ камонлар, арбалетлар ва найзалардан\*;
- ☒ сиртмоқлардан;
- ☒ илгаклардан;
- ☒ туёқли ёввойи ҳайвонлар учун қопқонлардан;
- ☒ тўрлардан.

---

\*Бундан ов қуролларидан ёввойи ҳайвонларни иммобилизация қилиш (қимирламайдиган қилиб қўйиш) ҳамда тамға қўйиш билан боғлиқ илмий, тиббий ва назорат ишларини амалга ошириш учун фойдаланиш мустасно.

## Ёввойи ҳайвонларни тутишда тақиқланган усуллар



Ёввойи ҳайвонларни музга, қалин қорга, сувга ёки улар учун хос бўлмаган ўзга яшаш муҳитига ҳайдаб киритиш, сутканинг қоронғи вақтида ёритиш анжомлари билан (бундан тўнғиз, бўрсиқ, жайра овлаш мустасно) транспорт воситаларини, шу жумладан ер устида ҳаракатланадиган, ҳавода парвоз қиладиган воситаларни ва кичик ўлчамли кемаларни қўллаш ҳам **тақиқланади**.



Ов қилиш муддатлари **2-иловада** кўрсатилган. Ов қилиш мавсумида **сешанба ва чоршанба кунлари** Ўзбекистонда қушларни овлаш мумкин эмас.

### Ов маҳсулотларига нималар киради?

Ёввойи ҳайвонлар	қуруқликда, сувда, атмосферада ва тупроқда яшовчи, хонакилаштирилмаган умуртқасизлар, балиқлар, ҳам сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, қушлар, сутэмизувчилар
Ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти маҳсулотлари	ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган асал, ёғ, гўшт, сут, тухум, мум, увилдириқ, захар, сафро, мўйна, шохлар, патлар, терилар ва бошқа маҳсулотлар



Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномага мувофиқ қўлга киритилган ов маҳсулоти берилган рухсатноманинг ҳақи тўланганидан кейин овчининг мулки бўлади.

### **Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш) тартиби**

✓ Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонларни отиш (тутиб олиш) овчилик хўжалигининг ёввойи ҳайвонларни ҳамда ов қилиш жойларини муҳофаза қилиш, ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажарадиган ходимлари томонидан амалга оширилади.

✓ Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи деб эътироф этилган тутиб олинган ёввойи ҳайвонлар ҳисобга олиниши лозим. Тутиб олинган ҳайвонлар тўғрисидаги (турлари, сони, тутиб олинган жойи ва муддати бўйича) ахборот экология ҳудудий органларига календарь йил тугаганидан кейин 15 кун ичида тақдим этилади.

### **Чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш тартиби**

✓ Қонунчиликка мувофиқ ов қилиш ҳуқуқига эга бўлган чет эллик фуқаролар учун овни ташкил этиш чет эллик фуқаролар ва туристик фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган юридик шахс ҳамда овчилик хўжалиги ўртасида тузилган **шартнома асосида** амалга оширилади.

✓ Шартномада ов қилишни амалга ошириш **шартлари**, кўрсатилган хизматлар ва тутилган ов маҳсулоти учун **ҳақ тўлаш миқдори** белгиланади.

### **Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик)**

✓ Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) натижасида қўлга киритилган ов маҳсулоти олиб қўйилиши лозим. Бунда овчилик ресурсларига етказилган зарар ундирилади.

✓ Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) деб эътироф этиладиган ҳаракатлар 4-иловада берилган.

### **Овчилик гувоҳномасини бериш тартиби**

✓ Овчилик гувоҳномаси муомалага лаёқатли, 18 ёшга тўлган, овчилик минимуми бўйича синов имтиҳонини топширган жисмоний шахсларга овчилар жамоат бирлашмалари томонидан берилади.

✓ Гувоҳномада тўланган аъзолик бадаллари ва давлат божи ҳақидаги маълумотлар, шунингдек ов қуроли ҳамда унинг ўқ-дорилари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

✓ Гувоҳнома аъзолик бадаллари тўланганлиги ҳақидаги белги мавжуд бўлганда ҳақиқий деб топилади.

### Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномани бериш тартиби

✓ Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органлари томонидан ёввойи ҳайвонларни тутишга доир тасдиқланган квоталарга мувофиқ, рухсатнома берилганлиги учун тўлов киритилганидан кейин берилади.

#### Рухсатномада кўрсатилади:

- жисмоний шахснинг ф.И.О. ёки юридик шахснинг номи
- ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатноманинг рақами (жисмоний шахслар учун)
- овчилик гувоҳномасининг рақами (жисмоний шахслар учун)
- ов қилиш тури
- ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуд
- ёввойи ҳайвон турининг номи
- тутиш учун рухсат этилган ёввойи ҳайвонларнинг сони
- ов қилиш муддати
- ёввойи ҳайвонларни тутиш жойи (жисмоний шахслар учун)
- рухсатнома бериш асоси

Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатнома унинг амал қилиш муддати тугагач (ўн кун ичида), рухсатномани берган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий органига тутилган ёввойи ҳайвонлар ҳақидаги ҳисобот билан бирга қайтарилади.

### Сунъий ўстирилган ҳайвонларни овлаш

✓ Овчиликдан фойдаланувчиларга сунъий ўстирилган ҳайвонлардан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга рухсат берилади. Ҳайвонларни табиатга чиқариш табиатни муҳофаза қилиш инспекторлари иштирокида амалга оширилади ва ҳужжат билан расмийлаштирилади.

✓ Сунъий етиштирилган ҳайвонлардан ов қилишда фойдаланилганда ов қилиш вақти ва жойи, миқдори ва бошқалар тўғрисидаги масала Экология вазирлиги билан келишилади.





Табиий эркинлик ҳолатида яшовчи, шунингдек, ов ва балиқ овлаш жойларига қўйиб юборилган ёввойи ҳайвонлар давлат мулки бўлиб, давлат ов ва балиқ овлаш фондини (давлат ов фондини) ташкил этади.

### Ов қилиш тақиқланган жойлар

- аҳоли пунктлари ерлари
- экологик аҳамиятга эга эрлар — қўриқхоналар, миллий боғлар, қўриқхоналар ва питомниклар (овчилик ва балиқ овлаш учун махсус ажратилган ҳудудлар бундан мустасно)
- соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий мақсадлар учун ерлар
- чегара чизиқлари
- шаҳар атрофидаги яшил ҳудудлар
- корхоналар атрофидаги санитария муҳофазаси зоналари
- сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари
- аэродромлар ва аэродром ҳудудлари
- ҳосилни йиғиб олишдан олдин қишлоқ хўжалиги эрлари
- Тўғонлар, қулфлар, кўприклар яқинида, балиқ етиштириш корхоналари, ҳовузлар ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидан ёки ушбу объектларни муҳофаза қилиш режими билан белгиланган масофадан 200 метрли чизиқ

**Юқоридагилар ов қилиш жойлари ҳисобланмайди.**



## Иловалар

1-илова

### Ёввойи ҳайвонларни тутиш учун тўловлар миқдорлари

	Жинси ва ёшидан қатъи назар, 1 та ёввойи ҳайвонни тутиш нархлари			
	Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари учун базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан коэффицентларда (ов қилиш турлари бўйича)			Чет эллик жисмоний ва юридик шахслар учун, АҚШ долларарида
	саноат мақсадида	спорт, ҳаваскорлик ва ўлжа олиш мақсадида	илмий, тиббий ва назорат мақсадида	ов қилишнинг барча турлари бўйича
<b>СУТЭМИЗУВЧИЛАР</b>				
<b>Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган турлар</b>				
Қоплон, тарғил сиртлон, тоғ қоплони	*	*	300	50000
Бурама шохли така (морхўр)	*	300	150	25000
Северцов қўйи	*	300	150	21000
Тяньшань қўйи, устюрт қўйи, Бухоро тоғ қўйи	*	300	150	10000
Бухоро буғуси (хонгул)	*	250	100	7000
Тяньшань қўнғир айиғи, Ўрта Осиё қундузи, Туркистон силовсини, қорақулоқ, асалхўр, кулон	*	100	80	3000
Сайғоқ, жайрон	*	50	30	3000
Мензбир суғури, манул (ёввойи мушук), сахро мушуги, қарсоқ, олақўзан, сариқ сассиққузан	*	45	25	1500
Сут эмизувчиларнинг бошқа турлари	*	4	3	500
<b>Бошқа турлар</b>				
Пржевальский оти	300	200	100	10000
Қизил бўри	10	5	3	1000
Тоғ такаси	*	5	2	1000
Тўнғиз	4	3	1,5	300
Елик (буғу)	4	3	1,0	300
Тоғ сувсари, қорақузан (норка), оқсувсар	0,3	0,2	0,1	50
Тулки, чиябўри, чўл ва тўқай мушуклари, нутрия, латча, ондатра, қизил суғур	0,2	0,1	0,05	30
Бўри	-	-	-	75
Бўрсиқ, жайра	0,3	0,15	0,03	20
Қуён	0,1	0,05	0,02	25
Ўрмон, қишлоқ ва овчилик	0,02	0,01	0,01	1

хўжаликлари зараркунандаларидан, одам ва хайвонлар касаллиklarини тарқатувчилардан ташқари бошқа сутэмизувчилар				
-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--	--	--

<b>ҚУШЛАР</b>				
<b>Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган турлар</b>				
Маллабош лочин (шахин), итолғи, лочин (сапан), тўхтатувалоқ (дудак), йўрға тувалоқ	*	100	10	7000
Қийқирдоқ ва вишилдоқ оққушлар, пушти ва жингалак соқоқушлар, тоғ калхати (қумой), қора лайлак, сувқийғир (скопа), узун думли ва оқ думли сувбургутлари, оқ турна, кичик бургут, қиронқора, болтаютар, бургут, қирғий бургут, илонхўр бургут, катта олачипор бургут, оқбош ўрдак, қизилтомоқ ғоз, кичик оққўтон, қизилғоз (фламинго), оқ пешанали кичик ғоз, сариқ қўтон (қарқара), бизғалдоқ	100	50	8	3000
Оқ лайлак, қоравой, қошиқбурун, тасқара, оқ бошли қумой, чўл бўктаргиси, чўл бургути, чўл миққийси, қорабош балиқчи, чўл жиқтоғи, тарғоқ, кичик узунбурун, Осиё моки лойхўраги, оқбовур	25	15	5	1000
Қорабузов, мрамар чўррак, оқкўз (ола қанотли ўрдак), Зарафшон қирғовули, қора кабутар, оддий ғўррак ва бошқа турлар	15	10	3	500
Қушларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Ов қилиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳайвон турини тутиш учун тўлов миқдорининг 40 фоизи			
<b>Саноат, спорт ёки хаваскорлик мақсадида ов қилиш объектлари бўлмаган ҳайвонлар турлари</b>				
Турналар, укки, кичик оққуш, бошқа йиртқич қушлар	2	300		
Япалоққушлар, қарқаралар, қузғун, клушица, Алп зоғчаси	1	200		
<b>Бошқа турлар</b>				
Катта ва кичик кўлбуқалар, ҳаққуш (кваква)	0,3	0,2	0,1	50
Қирғовуллар (Зарафшон қирғовулидан ташқари)	0,15	0,07	0,03	50
Ғозлар, улар	0,15	0,07	0,03	30
Ўрдаклар, чўрраклар, чераглар, қашқалдоқ, каклик, чиллар, қорабовур, саджа (сув булдуриқ)	0,05	0,03	0,01	5
Йилқичи	0,07	0,05	0,005	30
Қарғасимонлар (қарғалар, зағизғон, гўнғарға, зоғча)	0,03	0,02	0,01	5
Кабутарлар, ғўрраклар (оддий ғўрракдан ташқари), балчиқчи қушлар, катта қоравой, қўнғирлар, сув товуғи, сувмошаклар, бедана, чўғурчуқлар	0,02	0,01	0,005	2,5
«Майда чумчуқсимон қушлар» (сўфитўрғайлар, жиблажибонлар, зарғалдоқ, завирושкалар, шақшақлар, читтаклар, вьюроклар, чумчуқлар, деҳқончумчуқлар, королёклар)	0,3	0,1	0,005	3
Бошқа қушлар	0,01	0,01	0,003	2

Қушларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Ов қилиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳайвон турини тутиш учун тўлов миқдорининг 30 фоизи
--------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------

**СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР**

**Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган турлар**

Кобра, бўзэчкемар	10	10	4	1000
Чўл тошбақаси	0,2	0,05	0,02	6
Бошқа ноёб турлар	7	7	2	500
Судралиб юривчиларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Ов қилиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳайвон турини тутиш учун тўлов миқдорининг 40 фоизи			

**Бошқа турлар**

Қум чархилони, бушилон, қора илон, кўлвор илон	5	2,5	1	100
Заҳарсиз илонлар	0,5	0,25	0,05	15
Калтакесакчалар, гекконлар, калтакесаклар, агамалар, сариқилон ва бошқа турлар	0,2	0,05	0,01	5
Судралиб юривчиларнинг тухумлари (бир дона тухум учун)	Ов қилиш мақсадини ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳайвон турини тутиш учун тўлов миқдорининг 30 фоизи			

**ҲАМ СУВДА, ҲАМ ҚУРУҚЛИҚДА ЯШОВЧИ ҲАЙВОНЛАР**

Кўл бақалари, қурбақалар	0,05	0,03	0,01	2
--------------------------	------	------	------	---

**БАЛИҚЛАР**

**Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган камёб ва йўқолиб бораётган турлар**

Орол сўзанбалиғи, Орол бакра балиғи, Сирдарё куракбуруни, Амударё кичик куракбуруни ва Амударё катта куракбуруни, Орол сулаймонбалиғи, чўртансимон оққайроқ, Амударё гулбалиғи	15	10	5	500
Бошқа турлар	5	3	1	250

**Саноат аҳамиятига молик балиқлар ва уларнинг бошқа турлари**

Лаққабалиқ, дўнгпешона, сазан (зоғора балиқ), оққайроқ, пелядь, судак, гулмоҳи, оқ амур	5	0,03	0,02	15
Товонбалиқ, Самарқанд храмуляси, илонбош, лешч, чўртанбалиқ, тараша балиқ, хонбалиқ, қорабалиқ	3	0,01	0,01	5
Қизилкўз ва бошқа қиймати паст турлар	1	0,005	0,001	1

**УМУРТҚАСИЗЛАР**

Камёб ва йўқолиб бораётган турлар: Туркистон қисқичбақаси (Сирдарё ҳавзаси), тиббиёт зулуги (10 донаси учун) ва бошқалар	0,05	0,02	0,01	20
Заҳарли умуртқасизлар	0,01	-	0,002	3
Тор панжали қисқичбақа (Зарафшон дарёси ҳавзаси) 1 кг учун	0,08	0,05	0,01	3
Артемия ( <i>Artemia</i> ) цисталари 1 кг учун	0,1	-	0,01	5
Умуртқасизлар ғумбаклари (мотиль, трубочник ва бошқалар) 1 кг учун	0,02	-	0,005	0,1
Майда қисқичбақасимонлар (гаммарус, дафниялар ва ҳоказо) 1 кг учун	0,01	0,01	0,005	0,1

Моллюскалар чиғаноқлари (1 кг учун)	0,01	0,01	0,005	0,5
Маиший, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги зараркундаларидан, хавfli инфекцияларни тарқатувчилардан, шунингдек балиқ овида хўрак сифатида фойдаланиладиган жониворлардан ташқари бошқа умуртқасизлар	0,01	0,01	0,001	1
Мумиё (1 г учун)	0,05	-	0,01	1

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОВ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

Тур	Ов қилиш муддатлари
Тўнғиз	15 сентябрь — 30 декабрь, қишлоқ хўжалиги экинзорларида ердан фойдаланувчиларнинг талабномалари бўйича 15 июлдан бошлаб.
Тоғ такаси	15 сентябрь — 30 декабрь
Елик (буғу)	1 сентябрь — 30 ноябрь
Қум товушқони	15 октябрь — 31 январь
Жайра, бўрсиқ	15 сентябрь — 30 ноябрь
Ондатра	15 октябрь — 15 декабрь
Қарсоқ тулки, чиябўри, ёввойи мушуклар	15 ноябрь — 31 январь
Тулки, қорақузан (норка), тоғ сувсари, сариқ сассиққузан	15 ноябрь — 31 январь
Нутрия	15 октябрь — 15 декабрь
Бедана	15 август — 30 ноябрь
Кабутарлар (ғурраклар ва кабутарлар)	15 август — 28 февраль
Каклик, чиллар, улар	15 октябрь — 28 февраль
Қирғовуллар	15 октябрь — 30 декабрь
Сувда сузувчи қушлар (ғозлар, ўрдақлар, қашқалдоқлар), катта қоравой, қўнғирлар	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: 1 сентябрь — 15 декабрь; қолган ҳудудларда: 1 октябрь — 28 февраль.
Балчиқчи қушлар (балчиқчилар, сув товуғи, сувмошаклар, тартар), йилқичи, чурраклар	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида: 15 август — 15 декабрь; қолган ҳудудларда: 15 август — 31 январь.
Қорабовур, сув булдуриғи	5 октябрь — 30 декабрь
Чуғурчуқлар	1 сентябрь — 30 декабрь
Майна, гўнг қарға, қарғалар, зоғча, зағизғон, ёввойи лашган хонаки кабутарлар	Ов қилиш учун рухсатнома мавжуд бўлганда йил давомида.
Чумчуқлар	Экинзорларда ердан фойдаланувчиларнинг талабномалари бўйича йил давомида.
Балиқлар*	Амударё ва Сирдарёда: 1 июнь — 10 март; Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг сув ҳавзаларида: 11 июнь — 25 апрель; Қолган барча сув ҳавзаларида: 1 июнь — 15 апрель.
Артемия	16 июль — 31 март

### Ов қилиш тақиқланган ҳолатлар

- 1.** Шаҳар ва аҳоли пунктларидан 1 км дан яқинроқда, бошқа аҳоли пунктларидан 300 м дан яқинроқда, автобус қатнови бўлган йўллардан 150 м дан яқинроқда ов қилиш
- 2.** Йиғилган (отишга тайёр) қуроллар ёки ов қуроллари, овчи итлар (зотидан қатъи назар) ёки ов қилиш учун рухсатномасиз йиртқич қушлар билан ов жойларида бўлиш
- 3.** Ов қилиш тақиқланган вақтда ёввойи ҳайвонларни овлаш
- 4.** Ҳайвонларни белгиланган меъёрдан ортиқ йиғиб олиш
- 5.** Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ва 1-иловада келтирилган ҳайвонларнинг тақиқланган турларини овлаш
- 6.** Рухсатномада кўрсатилмаган жойларда ов қилиш (ўрмон хўжалиги, ов ерлари, захира ов фонди)
- 7.** Ов қилиш тақиқланган жойларда — қўриқхоналарда, миллий ва табиий боғларда, қўриқхоналар ва питомникларда ов қилиш. Худудида қонун билан чекланган ов қилишга рухсат берилган объектлар бундан мустаснодир (уларнинг режими)
- 8.** Тегишли ҳужжатларсиз ов қилиш: шахсий гувоҳнома, овчилик гувоҳномаси, қуролни сақлаш ва олиб юриш учун зарур ҳужжатлар; тўлдирилмаган ёки муддати ўтган ҳужжатлар ва рухсатномалар билан
- 9.** Ёнғин, сув тошқини, озиқ-овқат этишмаслиги ва бошқа табиий офатлардан қочиб, сув ўтиш жойларида (да) ёввойи ҳайвонларни овлаш
- 10.** Ҳайвонларни музга, чуқур қорга, сувга ёки турга хос бўлмаган бошқа яшаш жойига ҳайдаш
- 11.** Суғориш жойида қора қоринли қумлоқ ва сажу учун ов қилиш
- 12.** Тақиқланган ов воситаларидан фойдаланган ҳолда ёввойи ҳайвонларни тутиш: арбалет, илмоқ, илгак, тўёқли тузоқ; тармоқлар
- 13.** Тақиқланган ов усулларида фойдаланган ҳолда ёввойи ҳайвонларни овлаш: огоҳлантирувчи қурол, камон, арбалет, қопқонларни ўрнатиш, портловчи моддалар, кимёвий ва биологик моддалар, электр токини ишлатиш, ўсимликларга ўт қўйиш
- 14.** Қушлар ва судралиб юривчиларнинг тухумларини махсус рухсатсиз йиғиш, уяларни, бурмаларни, кулбаларни кўчириш ва бузиш ва ёввойи

- хайвонларнинг кўпайишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳаракатлар
- 15.** Ҳайвонларни ўзига жалб қилиш учун магнитофон ва бошқа товушни қайта ишлаб чиқарувчи ускуналардан фойдаланиш
  - 16.** Қушларни тутиш учун ёруғлик мосламаларидан фойдаланиш
  - 17.** Тунда механизациялашган транспорт воситалари, шунингдек қуруқлик, ҳаво ва сув транспорти воситаларидан фойдаланган ҳолда ёритиш мосламалари билан ҳайвонларни овлаш; двигатели ўчирилган қайиқлар ва моторли қайиқлардан ва ҳоказолардан. Ўзбекистон республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси рухсатномаси асосида амалга ошириладиган сайфоқ ва зарарли ҳайвонларни тижорат мақсадларида олиш бундан мустасно
  - 18.** Овчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз олиб кириш, экспорт қилиш, ташиш ва жўнатиш
  - 19.** Спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар таъсири остида ов қилиш
  - 20.** Ўрим-йиғим жараёнида қишлоқ хўжалиги далаларида ов қилиш
  - 21.** Ноаниқ кўринадиган нишонга ва шовқинга ўқ олиш
  - 22.** Табиатни муҳофаза қилиш органларининг махсус рухсатисиз қушлар колонияларига бориш
  - 23.** Итларни овлаш жойларида, тумшугисиз, боғичсиз ёки қўрғондан ташқарида сақлаш, ов қилиш ёки ўргатиш итлари бундан мустасно
  - 24.** Ов жойларида ёнғинларни ўчирмасдан, шикастланган белгиларни, сотилган белгиларни, озиқлантирувчиларни, ётқизилган боқиш, сунъий уяларни ва бошқа биотехника иншоотларини ўчирмасдан қолдириш, ўсимликларни кесиш ёки ёқиш



### Ғайриқонуний ов қилиш (браконьерлик) деб эътироф этиладиган ҳаракатлар

1) Ов қилиш жойлари бўлмаган жойларда, шунингдек муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда ов қилиш, бундан муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режимига мувофиқ ҳудудда чекланган тарзда ов қилишга рухсат этилган жойларда ов қилишни амалга ошириш ҳоллари мустасно;

2) Ов қуролларининг тақиқланган турларидан ва ов қилишнинг тақиқланган усулларида фойдаланган ҳолда ов қилиш;

3) Тақиқланган жойларда, ов қилиш тақиқланган мавсумларда ва муддатларда ов қилиш ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг тақиқланган турларини овлаш;

4) Овчилик гувоҳномасиз, ов қуролини сақлаш ва олиб юришга доир рухсатномасиз, ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномасиз ҳамда овчилик йўлланмасиз (ёввойи ҳайвонларни тутиш карточкасиз) ов қилиш (бундан табиий сув оқимларида, шунингдек каналларда ва коллектор-дренаж тармоқларида умумий фойдаланиш тартибида жисмоний шахслар томонидан балиқ тутиш мустасно);

5) Ёввойи ҳайвонларни тутишга доир рухсатномада кўрсатилган ёввойи ҳайвонларни тутиб олиш ёки отиш нормаларини ошириб юбориш;

6) Экология ҳудудий органларининг махсус рухсатномасиз ёввойи ҳайвонларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини йиғиш, қушларнинг маконларига бориш, ёввойи қушларнинг уяларини, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ҳамда бошқа уяларини ўзга жойга кўчириш ва вайрон қилиш, шунингдек ёввойи ҳайвонларнинг урчишига тўсқинлик қиладиган бошқа ҳаракатлар.

### Атама ва тушунчалар изоҳи

<b>Ов қилиш</b>	Табиий эркинлик ҳолатида яшаётган ёввойи ҳайвонларни (уларнинг яшаш фаолияти маҳсулотларини) тутиш мақсадида уларни излаш, уларнинг изига тушиш ва уларни таъқиб қилиш, тутишга уриниш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш)
<b>Овчи</b>	Ҳақиқий овчилик гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахс, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган ва ов қилиш соҳасида хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузган чет эллик фуқаро
<b>Ов қилиш жойлари</b>	ов қилиш учун фойдаланиладиган ёки фойдаланилиши мумкин бўлган, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойлари, уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган ерлар, сув объектлари ва ўрмонлар
<b>Ов қилиш усуллари</b>	ов қилиш амалга ошириладиган ов қуролларидан фойдаланилган ҳолдаги усуллар ва ҳаракатлар мажмуи
<b>Ов қилиш мавсуми</b>	йилнинг ёввойи ҳайвонларни ов қилиш рухсат этилган даври
<b>Ов қилиш муддати</b>	йилнинг маълум даври бўлиб, бу давр мобайнида муайян турдаги ёввойи ҳайвонларни овлаш амалга оширилиши мумкин
<b>Овчилик хўжалигига ва инсоннинг хўжалик фаолиятига зарар етказувчи ёввойи ҳайвонлар</b>	овчилик хўжалиги ҳудудида муайян вақт оралиғида уяларни бузадиган, ёш ёввойи ҳайвонларни қириб ташлайдиган, бошқа ёввойи ҳайвонларга мўлжалланган озуқани еб қўядиган, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказадиган, шунингдек ҳайвонлар ва инсон учун хавfli касалликларни тарқатувчилар бўлган сутэмизувчилар, қушлар ёки ёввойи ҳайвонларнинг бошқа турлари